

?????? ??????? ????????????? ????????? ??????????????????»?

????? ??????: «????????? ??? ??????????????????»

????????????? ??????? ?????? ?????? ??????????????

????????????? ?????????????? ?????????????????????????? ??????

????????????????????????? ?????????? ?????????????????? ??????????

????????????? ?????????? ??? ?????????????????????? ??????????

????????????????? ?????? ?????????? ??????????????».

????????????? ?????????????????????????? ??????????????????????????.

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга хутба қилиб: **«Эй одамлар! Батаҳқиқ, Аллоҳ сизга ҳажни фарз қилди. Ҳаж қилинг!»** дедилар. Шунда бир киши: «Ҳар йилими, эй Аллоҳнинг Расули!» деди. Шунда у зот ўша гапни уч марта айтгунча жим турдилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ҳа» десам вожиб бўлиб қолар эди ва қодир бўлмас эдингиз. Мен сизни тарк қилган нарсада мени ўз ҳолимга қўйинглар. Албатта, сиздан олдин ўтганлар саволларининг кўплиги ва анбиёларига ихтилоф қилганлари туфайли ҳалок бўлишган. Қачон сизга бир ишни амр қилсам, уни қудратингиз етганича қилинглар. Қачон сизни бир нарсадан қайтарсам, уни тарк қилинглар».**

Муслим, Насоий ва Термизий ривоят қилишган.

???? ?????????? ????? ?????????? ?????????? ?????????? ??????????
????????? ??????????: ?????????? ?????????????? ?????????? ??? ?????? ??????
?????: «????????? ?????????? ?????????? ?????????????? ??????????????
????????????????????? ?????????????????????? ?????????????????? ??????????
?????????????????: ?????????????????????? ?????????????????????? ?????????????
????????????????????????? ??????????» . ?????????? ??????????????????????????.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Аллоҳ азза ва жалла битта ҳаж (бадал ҳажи) билан уч нафар кишини жаннатга киритади: майитни; ҳажжи бадал қилувчини, ҳажжи бадал қилдирувчини (васийни)».**

Байҳақий ривоят қилган.

???? ?????????? ?????????? ?????????????????????? ?????????? ??????????
????????? ?????????????? ?????????? ?????????????? ?????????? ??? ?????? ??????
????????? ??????????: «????????????????? ?????????????? ??? ??????????????
????????????? ?????????? ?????????? - ?????? ??????????: ?????? ??????????
????????????? - ?????????????????? ?????? ?????????????????? ??????????????

?????????? ????????. ??????? ?????????????.

Абу Мусо Ашъарий розияллоху анху марфуъ ҳолатда ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Ҳожи тўрт юз хонадон аҳлини ёки (бир ривоятда) «Ўз аҳли байтидан тўрт юзтасини] шафоат қилади ва гуноҳларидан онасидан туғилган кундагидек пок бўлади».**

Баззор ривоят қилган.

???? ?????? ?????? ?????? ?????? ????????

?????: ????? ?????????? ?????? ??? ????? ?????? ?????:

«????? ??????? ?????????????? ?????? ?????????? ??????????

????????????? ?????????????? ?????? ?????????? ?????????? ??????????

????? ?????????????? ?????????????? ?????????????????? ??????????????

????????? ?????????? ?????????????????? ??????????????...». ??????????

????????????????????.

Абу Зарр Ғифорий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Ҳожи ўз аҳлидан чиқиб, уч кун [ёки уч кеча] юрса, гуноҳларидан онасидан янги туғилгандек (пок) бўлиб чиқур.** (Ундан кейинги ҳаж сафаридан ўтказган) **қолган кунларда мартабаси юқори бўлади...».**

Байҳақий ривоят қилган.

???? ????? ????????????? ?????? ?????? ??????? ??????:

????? ?????????? ?????? ??? ?????? ?????? ??????: «?????

????? ?????? ????????????? ??????? ????????????? ????????

?????????? ??????? ?????? ?????????????? ??????????».

????????? ????????????????????

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ким бу Байтни ҳаж қилиб, фаҳш сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, онасидан туғилган кундагидек бўлиб қайтади».**

Бухорий ривоят қилган.

???? ?????????? ?????? ??????? ??????? ??????? ???????

????????? ?????????????????? ??????: «??? ??????????? ????????

?????»? ?????????? ??????????????: ??? ?????????????????? ?

?????: ??? ??????????????. ?????????? ??????????????????????

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан марфуъ ҳолатда ривоят қилинади:

(Набий алайҳиссалом): «**Ҳожи ҳаргиз имъор бўлмас**», дедилар. Жобирга «Имъор нима?» дейишди. У: «Фақир бўлмас (дегани)» деди».

Байҳақий ривоят қилган.

«Мўминнинг умр сафари» китобидан